O‘z DSt 56.1640 :2014

# У З Б Е К И С Т О Н Д А В Л А Т С Т А Н Д А Р Т И

**Ўзбекистон узлуксиз таълимининг давлат таълим стандартлари**

**Олий таълимнинг давлат таълим стандарти**

***5210200 – Психология (спорт)* бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти**

**Расмий нашр**

# Г О С У Д А Р С Т В Е Н Н Ы Й С Т А Н Д А Р Т У З Б Е К И С Т А Н А

**Государственные образовательные стандарты непрерывного образования Узбекистана**

**Государственный образовательный стандарт высшего образования**

**Государственный образовательный стандарт направления образования бакалавриата *5210200 – Психология (спорта)***

**Издание официальное**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Тошкент**

O‘z DSt 36.1640:2014

**Ў З Б Е К И С Т О Н Д А В Л А Т С Т А Н Д А Р Т И**

**Ўзбекистон узлуксиз таълимининг давлат таълим стандартлари**

**Олий таълимнинг давлат таълим стандарти**

***5210200 – Психология (спорт)***
**бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти**

**Расмий нашр**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Тошкент**

# СЎЗ БОШИ

**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази;
- Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти.

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил “10” март даги 84 - сонли буйруғи.

**3.ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.

**4.ИЛК БОР КИРИТИЛГАН**

*Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар “Узстандарт” агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.*

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| 1. | **Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари** ........................ | 1 |
| 2. | **Қулланиш соҳаси** ........................ | 2 |
| 3. | **Атамалар, таърифлар, қисқартмалар** ........................ | 2 |
| 4. | **Таълим йуналишининг тавсифи** ........................ | 3 |
| 5. | ***5210200 – Психология (спорт)* таълим йуналиши буйича бакалаврлар касбий фаолиятинииг тавсифи** ........................ | 3 |
| 6. | **Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қуйиладигаи талаблар** ........................ | 5 |
| 7. | **Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари** ........................ | 22 |
| 8. | **Бакалавриат таълим дастурини узлаштириш буйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар** ........................ | 32 |
| 8.1. | Бакалавриат таълим дастурини узлаштирилишига белгиланган умумий талаблар ........................ | 32 |
| 8.2. | Таълим дастурини татбиқ этилиши ........................ | 33 |
| 8.3. | Малака амалиётини ташкил этиш талаблари ........................ | 33 |
| 8.4. | Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш буйича талаблар ........................ | 34 |
| 8.5. | Таълим жараёнини укув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари ........................ | 35 |
| 8.6. | Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси буйича талаблар ........................ | 35 |
| 9. | **Бакалаврни тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасаси фаолиятиии баҳолаш** ........................ | 36 |
| 10. | **Эслатма** ........................ | 36 |
| 11. | **Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати** ........................ | 37 |
| 12. | **Илова** ........................ | 38 |
| 13. | **Библиографик маълумотлар** ........................ | 39 |
| 14. | **Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари** ........................ | 40 |

# УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Узбекистон узлуксиз таълимининг**
**давлат таълим стандартлари**
**Олий таълимнинг давлат таълим стандарти**
***5210200 – Психология (спорт)***
**бакалавриат таълим йуналишининг давлат таълим стандарти**

**Государственные образовательные стандарты**
**непрерывного образования Узбекистана**
**Государственный образовательный стандарт высшего образования**
**Государственный образовательный стандарт направления образования**
**бакалавриата *5210200 – Психология (спорта)***

**State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan**
**State Educational Standards of Higher Education**
**State Educational Standard on the level of bachelors of**
***5210200 – Psychology (sport)***

**Амал қилиниши «23» 10 2014йилдан**

## 1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари

Мазкур таълим йуналиш буйича давлат таълим стандартини ишлаб чикишда куйидаги ҳужжатларга асосланилди:

1. Узбекистон Республикасининг “Таълим туғрисида”ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август № 463-1.

2. Узбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. Тошкент , 1997 й., 29 август № 463-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш туғрисида”ги 5-сонли Қарори.

4. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш туғрисида”ги 343-сонли Қарори.

5. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш туғрисида”ги 2004 йил 20 июлидаги 341-сонли Қарори.

6. Узбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари туғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

7. Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги “Янгиланган “Олий таълим йуналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”ни ижро ва амалда фойдаланиш учун қабул қилиш туғрисида”ги 302-сонли буйруғи.

8. Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги “Олий таълим йуналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га узгартириш ва кушимчалар киритиш тугрисида”ги 190-сонли буйруғи.

23 10 2014 yilda
Davlat ro'yxatiga olindi

9.Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги “Олий таълим йуналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га узгартириш ва қушимчалар киритиш туғрисида’ги 281-сонли буйруғи.

10. Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги “Олий таълим йуналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га узгартириш ва қушимчалар киритиш туғрисида”ги 446-сонли буйруги.

11. Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги “Олий таълим йуналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га узгартириш ва қушимчалар киритиш туғрисида”ги 158-сонли буйруғи.

12. Узбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан утказиш тизимини янада такомиллаштириш туғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармони.

13. Узбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни урганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида”ги ПК-1875-сонли Қарори.

## 2. Қулланиш соҳаси

**2.1.** Олий таълимнинг ушбу давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) ***5210200 – Психология (спорт)*** таълим йуналиши буйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастурлари узлаштирилишини амалга оширишда Узбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**2.2.** Олий таълим муассасаси мазкур таълим йуналиши буйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга булганда ДТС асосида таълим дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**2.3.** ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йуналиши ва тайёргарлик даражаси буйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъуллар – олий таълим муассасаларининг профессор-уқитувчилари;

– таълим йуналишининг таълим дастурларини узлаштириш буйича уқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– уз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, уқув булими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йуналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга булган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

## 3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар

Мазкур стандартда Узбекистон Республикасининг “Таълим туғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

**касбий фаолият тури** – таълим йуналишига ... мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари тавсифи.

O'ZSTANDART AGENTLIGI ... STANDARTLASHTIRISH ... DAVLAT ... AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

**компетенция** – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур булган билим, куникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

**модуль** – тарбиялаш ва укитишга йуналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантиқий тугалланганликка эга булган укув фани (курси) ёки укув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми;

**таълим йуналиши** – таълим дастури буйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган "бакалавр" академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи базавий ва фундаментал билимлар, укувлар ва куникмалар мажмуаси;

**касбий фаолият объекти** – предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йуналтирилган тизимлар;

**касбий фаолият соҳаси** – илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён буладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

**бакалавриат** – олий таълим йуналишларидан бири буйича пухта билимлар берадиган, укиш муддати камида турт йил булган таянч олий таълим;

**бакалавриатнинг таълим дастурлари (бакалавриат дастури)** – укув фанларининг бакалавриат йуналишларига қуйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блокларга жамланган руйхати;

**укув-урганиш натижалари** – узлаштирилган билимлар, амалий малакалар, куникмалар мажмуи;

**ДТС** – Давлат таълим стандарти;

**АРМ** – ахборот ресурс маркази;

**ИТИ** – илмий тадқиқот институтлари;

**ОТМ** – олий таълим муассасаси.

## 4. Таълим йуналишининг тавсифи

**4.1.** ***5210200 – Психология (спорт)*** таълим йуналиши буйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастурини амалга оширган, унинг назарий ва амалий машғулотларини тулиқ узлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли утган шахсга "бакалавр" малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот туғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

**4.2.** Таълим дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малакаси**

| Таълим дастурининг номи | Малака (даража) | Таълим дастурини узлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг таълим дастури | Бакалавр | 4 йил |

## 5. *5210200 – Психология (спорт)* таълим йуналиши буйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

**5.1. Бақалаврлар касбий фаолиятининг соҳаси:**

***5210200 – Психология (спорт)*** таълим йуналиши ижтимоий соҳадаги йуналиш булиб, у уз ичига (шахснинг спорт фаолияти йуналишида, хулқ-атвор ва муомалада, яъни инсонларнинг билиш жараёнлари ва индивидуал-психологик хусусиятлари моҳиятини, шахслараро муносабатлар механизмларини; шахснинг спорт жамоасида шаклланиш қонуниятларини, яъни психика ва онгнинг тараққиёт босқичлари, инсон, роли ва

O'ZSTANDART AGENTLIGA ... DAVLAT ... AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

статусини; инсонлар интеллекти ва иқтидори даражаларини прогнозлашнинг тадкиқ этиш воситалари, усуллари мажмуасини қамраб олади.

**Бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

– шахснинг спорт фаолияти, шахслараро муносабатдаги ва ижтимоий муносабатлар тизимида фаолият буйича математик моделларини қуллаш;

– спортчи шахсига индивидуал ва гуруҳий жиҳатдан психологик хизмат курсатиш чора-тадбирлари, унинг ривожлантириш истиқболлари белгилаш ва қуллаш;

– спортчи шахсини урганиш жараёнида умумий психология, ижтимоий психология, психодиагностика ва психокоррекцион методларини қуллаш;

– спортчи шахсини тадқиқ этишда тизимли ёндошув механизмларини татбиқ этиш;

– жисмоний тарбия ва спорт соҳасида психологик воситалар, тамойилларни қуллаш;

– янги типдаги психологик хизмат курсатиш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда лойиҳалаш;

– спортчи шахсининг индивидуал психологик, ижтимоий-психологик хусусиятларини урганиш ва тадқиқот қилиш;

– спорт фаолиятига доир психологик тадқиқотларни амалга ошириш учун зарур булган алгоритмлар ва математик таъминотни ишлаб чиқиш.

**5.2. Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг объектлари:**

***5210200 – Психология (спорт)*** таълим йуналиши бакалаврларининг **касбий фаолият объектлари** – таълим жараёнида мос олимпия захиралари коллежларидаги укув-тарбия жараёни; болалар ва усмирлар спорт мактаблари; спортга ихтисослаштирилган таълим муассасалари; спорт клублари ва терма жамолар; спорт федерациялари; аҳолига психологик хизмат курсатиш марказлари; психологик ташхис маркази; ишлаб чиқариш корхоналари, реаблитация марказлари ва бошқалардан иборат.

**5.3. Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг турлари:**

– *илмий-тадқиқот;*
– *спорт ва жисмоний тарбия соҳаси;*
– *ишлаб чиқариш;*
– *ташкилий-бошқарув;*
– *лойиҳавий-ижодкорлик;*
– *соғломлаштириш ва тиклаш;*
– *Халқ таълими ва Урта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида педагогик ва амалиётчи психолог;*
– *фойдаланиш ва сервис хизматини курсатиш.*
– *ижтимоий ва жамоа соҳасидаги* фаолият(и) кабиларни уз ичига олади.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**5.4. Касбий мослашув имкониятлари**

Бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан утгандан сунг урта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида махсус фанларни уқитиши мумкин.

**5.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

***5210200 – Психология (спорт)*** таълим йуналиши буйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин *5А210201 – Психология (фаолият турлари буйича)* магистратура мутахассислиги буйича икки йилдан кам булмаган муддатда уқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, урнатилган тартибда мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқот олиб бориш мумкин.

O'ZSTANDART AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

## 6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қуйиладиган талаблар

***5210200 – Психология (спорт)*** таълим йуналиши буйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қуйиладиган умумий талаблар:

**а) умумий талаблар:**

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга булиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан уз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга булиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар хақида яхлит тасаввурга эга булиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва уз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаган булиши, уз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорларни қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йуналиши буйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга булиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, уз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти туғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, узини жисмоний чиниқтириш уқув ва куникмаларига эга булиши керак.

**Бакалавр:**

- таълим йуналиши буйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим булган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йуналиши доирасида танланган мутахассислик буйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қушимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

***б) касбий талаблар:***

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– утказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси буйича моделлар, алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментал воситаларни тадқиқот қилиш ва ишлаб чиқиш;
– намунавий методикалар ва бошқалар буйича экспериментал тадқиқотларни утказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;
– республика ва хорижда чоп этилган спорт психологиясига оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини урганиш;
– илмий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;
– утказилаётган тадқиқотлар мавзуси буйича илмий обзорларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
– илмий семинарлар, илмий-амалий конференцияларда бевосита иштирок этиш;
– илмий-ижтимоий мавзувий журналларга мақолаларни тайёрлаш.
– илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш ***қобилиятига эга булиши керак.***

**Спорт ва жисмоний тарбия фаолиятида:**

– болалар ва усмирлар спорт мактабларида, олимпия захиралари коллежларида, спортга ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, спорт клублари ва терма жамоаларда уқув машғулотларини олиб боришда психологик хизматни ташкил этиш;

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, METROLOGIYA VA SERTIFIKATLASHTIRISH ILMIY TADQIQOT INSTITUTI

– барча турдаги таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва жисмоний маданият буйича машғулотларини олиб боришда психологик хизмат курсатиш *қобилиятига эга булиши керак.*

**Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

– спорт фаолиятида психодиагностик, психопрофлактик ва психокоррекцион мақсадларни амалга оширишга мулжалланган намунавий дастурларни, методика ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни қуллаш;

– спорт инвентарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда психолог-консультант мутахассис сифатида ишлаш;

– касбий этика кодекси ва деонтологияга риоя қилиш *қобилиятига эга булиши керак.*

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– олимпия захиралари коллежлари амалий психологи, болалар ва усмирлар спорт мактаблари амалий психологи, спортга ихтисослаштирилган таълим муассасалари амалий психологи, педагогик-психологик ташхис марказлари психологи, психологик хизмат курсатиш маркази амалий психологи ва бошқариш ишини ташкил қилиш;

– ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур булган психологик воситалар, методлар ва методикаларни татбиқ этишни ва ресурсларини режалаштириш;

– замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг психологик амалиётда қуллаш мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– спорт фаолиятига оид психологик муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари ва мусобақаларини ташкил этиш ва бошқариш;

– коллегиал фикрлар тарқоқлиги шароитида бошқарув қарорларини қабул қилиш *қобилиятига эга булиши керак.*

**Лойиҳавий-ижодкорлик фаолиятида:**

– жисмоний тарбия ва спорт фаолиятининг турли соҳаларида психологик хизматни ташкил этиш ҳамда унга рахбарлик қилиш;

– бажарилаётган амалий ишлар мавзуси буйича шақллантирувчи, ривожлантирувчи ва ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;

– лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

– психологик хизмат амалиётида ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қуллаш *қобилиятига эга булиши керак.*

**Соғломлаштириш ва тиклаш фаолиятида:**

– даволаш муассасаларида, дам олиш уйларида, санаторияларда соғломлаштирувчи жисмоний машғулотларни олиб бориш;

– спортчиларда мусобақа олди ва мусобақадан сунгги стрессларни енгишга қаратилган релаксация машқларини утказиш;

– спорт травмаси билан боғлиқ деприссия ҳолатидаги спортчилар билан аутоген машқлар, арт-терапия машқларини утказиш *қобилиятига эга булиши керак.*

**Халқ таълими ва Урта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида педагогик (педагогиқ тайёргарликдан сунгї ва амалиётчи психолог фаолиятида:**

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BO'LIMI

– Халқ таълими ва Урта махсус касб-ҳунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари буйича назарий машғулотларни утказиш;

– замонавий информацион ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машгулотларини ишлаб чиқиш ва утказиш;

– ўқитилаётган фанлар буйича дарсларни утказиш учун зарур булган укув-методик ҳужжатларни шакллантириш ва тузиш;

– ўқитилаётган фан буйича машғулотларни утказиш учун ўқитишнинг техник воситалари мазмунини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида укитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида уз-узини мунтазам такомиллаштириб бориш;

– ХТ ва ЎМКҲТ тизимида амалиётчи психолог фаолиятига қуйилган талаблар асосида психологик хизматни ташкил этиш;

– таълим муассасасидаги психологик муаммонинг хусусиятига кура унинг ечимини топишга қул келувчи усуллардан фойдаланиш;

– ўқитувчи(тренер)лар жамоаси ва ўқув(спорт)чилар гуруҳларида психодиагностик, психопрофлактик, психокоррекциялаш ва психологик маърифат йуналишида тадбирларни ташкил этиш ва утказиш;

– ўқитувчи (тренер) ва ўқув(спорт)чиларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ривожлантириш буйича маслаҳатлар бериш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

– педагогик (терма) жамоадаги зиддиятлар, низоларни бартараф этиш ва ҳамкорлик муҳитини шакллантириш буйича психологик тавсиялар ишлаб чиқиш ***қобилиятига эга булиши керак.***

**Фойдаланиш ва сервис хизматини курсатиш фаолиятида:**

– шахсга психологик хизмат курсатиш ишини ташкил этиш;

– спортчи ва жамоа учун хусусиятига кура зарур бўладиган намунавий психологик хизмат курсатиш дастурлари ва тренинг курсларини ишлаб чиқиш ва қуллаш;

– спорт иншоотлари ва жиҳозлардан фойдаланиш, психологик лаборатория асбоб-ускуналари, қурилмалари, механизмлари ва жиҳозлари, уларнинг ишчи қисмлари параметрлари ва иш ҳолатини ташхис синовларидан утказиш ***қобилиятига эга булиши керак.***

**Ижтимоий ва жамоа соҳасидаги фаолиятида:**

– спорт федерациялари, спорт инвентарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, спортга ихтисослаштирилган муассасалар ва маҳаллий (миллий) спорт жамоаларининг таклиф ва талаблари асосида психологик маърифат тадбирларини ташкил этиш;

– спорт федерациялари, спорт инвентарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, спортга ихтисослаштирилган муассасалар ва маҳаллий (миллий) спорт жамоаларининг таклиф ва талаблари асосида психологик ривожлантириш тадбирларини ташкил этиш ва утказиш;

– жисмоний тарбия ва спортга оид маҳаллий матбуот, илмий-оммабоп телерадио эшиттириш ва кўрсатувларда психологик материаллар билан иштирок этиш ***қобилиятига эга булиши керак.***

**6.2. Таълим дастурлари буйича билим, малака ва куникмаларга қуйилган талаблар**

**6.2.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар буйича талаблар**

*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар* блоки буйича талаблар Олий ва урта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган *"Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар"* блоки буйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қуйилган талаблар" асосида белгиланади.

O ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI RUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

**6.2.2. Математик ва табиий-илмий фанлар буйича талаблар**

**6.2.2.1. Информатика ва ахборот технологиялари фани буйича**

**Бакалавр:**

- компьютер тизимининг тузилмаси, унинг тулақонли имкониятлари;
- компьютернинг ишлаш принциплари, техник ва дастурий таъминоти;
- укув-машғулот ва мусобақа фаолиятидаги ахборот технологияларини қулланилиши ***ҳақида тасаввурга эга булиши;***
- ахборотни, ахборот туплашни, сақлашни, қайта ишлашни, узатишни ва ҳимоялашни;
- спорт натижаларига янги замонавий ахборот технологиялари асосида дастлабки ишлов беришни;
- тармокда ахборот технологиялардан самарали фойдаланишни;
- интернет тармоғида ишлашни ва ахборотларни мустакил излашни;
- компьютер дастурларини ишлатишни ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- дастурлаш ва ҳисоблаш техникаси хамда дастурий таъминотлардан фойдаланиш;
- компьютер графикаси воситаларидан фойдаланиш ***куникмаларига эга булиши керак.***

**6.2.2.2. Спорт метрологияси фани буйича**

**Бакалавр:**

- фаннинг ахамияти ва жисмоний тарбия ва спортда тутган урни;
- замонавий математик моделлаштириш;
- жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги замонавий метрологик назария ва амалиёт ***ҳақида тасаввурга эга булиши;***
- математик-статистика назарияси (таҳлил ) асосларини;
- муайян жараён учун таҳлил тизимини тузиш ва тизим доирасида ҳисоблаш ишларини олиб боришни;
- функционал ва ҳисоблаш топшириғини ечиш услубларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- спортда олинган натижаларни таҳлил қилишда ва умумлаштиришда қулланиладиган улчов бирликлардан фойдалана олиш;
- объектларнинг микдорий ва сифат муносабатларини ифодалаш учун математик символлардан фойдаланиш;
- тадкикот маълумотларини кайта ишлашнинг асосий усул ва йуриқларидан фойдаланиш ***куникмаларига эга булиш.***

**6.2.2.3. Биомеханика фани буйича**

**Бакалавр:**

- тана биокинематикаси;
- ричак ва мувозанатларнинг турли-туманлиги;
- ҳаракатлар ва уларни тузилмасининг биомеханик асослари ***ҳақида тасаввурга эга булиши;***
- спорт фаолиятида қулланиладиган ҳаракат тавсифлари ва улчов бирликлари тизимларини;
- ҳаракат сифатларининг биомеханик асослари;
- тана биозвеноларининг ҳаракатлари ритми ва темпи, фазовий ва динамик тавсифларини ҳисоблашни;
- тана биозвенолари ҳаракат тавсифларини ҳисоблаш ва график ифодалашни ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- ҳаракатларнинг биомеханик тавсифлари ва уларни таҳлил қилиш;
- ҳаракатнинг кнематик, динамик ва энергетик тавсифларини аниқлашга доир масалалар ечиш;
- спортчининг қоматини бузилиш сабабларини таҳлил қилиш;
- функционал ва ҳисоблаш топшириғини ечиш;

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

- тажриба материалларини умумлаштириш ва қайта ишлаш *куникмаларига эга булиши керак.*

**6.2.2.4. Физиология ва спорт физиологияси фани буйича**

**Бакалавр:**

- физиологик қонуниятлар;
- физиологик жараёнлар;
- ташқи муҳит шароитлари;
- инсоннинг иш қобилияти *ҳақида тасаввурга эга булиши;*
- асосий физиологик тушунчалар;
- физиологик функцияларнинг бошқарилиш йуллари;
- одам организмининг орган ва тизимларининг иши, уларнинг узаро муносабати, бошқарилиш жараёнлари;
- жисмоний машқлар таъсирида организмда юзага келадиган функционал узгаришлар;
- спортчи организмнинг яширин имкониятлари;
- жисмоний сифатларининг ривожланишини физиологик механизмлари;
- спорт фаолияти жараёнида спортчи организмида юзага келадиган холатларнинг физиологик механизмлари;
- организмнинг жисмоний машқларга мослашишини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- физиологик синамаларни утказиш ва баҳолаш;
- мускул фаолиятининг энергетик таъминотини аниқлаш *куникмаларига эга булиши керак.*

**6.2.2.5. Биохимия ва спорт биохимияси фани буйича**

**Бакалавр:**

- органик, анорганик химия;
- табиатда моддалар алмашинуви;
- тирик организмнинг химиявий таркиби *ҳақида тасаввурга эга булиши;*
- инсон организмининг таркибига кирувчи химиявий бирикмаларнинг тузилишини;
- организмда моддалар алмашинувини;
- спорт амалиётида биохимиявий назоратларни;
- жисмоний фаолият жараёнида биохимиявий узгаришларни;
- энергияни хосил булиши ва унинг машқ бажариш жараёнида сарфланишини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- биологик суюқлик (қон, сийдик) курсаткичларини аниқлаш;
- спортчиларда энергия сарфини аниқлаш;
- спортчилар учун махсус овқатланиш рационини тузиш;
- функционал тестларни утказиш ва бахолаш *куникмаларига эга булиши керак.*

**6.2.2.6. Гигиена ва спорт гигиенаси фани буйича**

**Бакалавр:**

– жисмоний тарбия ва спорт гигиенаси асослари;
– спортчи организмига таъсир этувчи гигиеник омиллар;
– атроф-муҳитдаги гигиеник курсатгичларнинг спортчилар саломатлигини сақлаш ва жисмоний иш қобилиятини оширишга таъсири;
– спорт билан шуғулланганда қўйиладиган талаблар;
– спортчиларни тайёрлашда гигиеник томондан таъминлаш *ҳақида тасаввурга эга булиши;*
– спорт иншоотларини қурилиши ва ишлатилишига қуйиладиган гигиеник талабларни;
– спортчиларни кун тартиби ва овқатланиш гигиенасини;
– спортчини гигиеник текшириш усулларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

O‘ZSTANDART AGENTLIGI DAVLAT STANDARTLASHTIRISH NAZORATINI KUCHAYTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BO‘SHQARMASI

– спорт иншоотларига қуйиладиган гигиеник меъёрларни аниқлаш *куникмаларига эга булиши керак.*

**6.2.2.7. Анатомия фани буйича**

**Бакалавр:**

- табиат эволюцияси туғрисида;
- инсон организимининг бир бутунлиги;
- морфо-функционал хусусиятлар *ҳақида тасаввурга эга булиши;*
- одам организмини ташкил этувчи тизимлар ва аъзоларнинг жойлашуви;
- одам аъзоларининг функцияларини;

-жисмоний тарбия ва спорт машгулотлари таъсирида юзага келувчи узгаришларни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- ички аъзоларини чегаралаш, проекциялаш;
- анатомик улчаш усулларидан фойдаланиш *куникмаларига эга булиши керак.*

**6.2.2.8. Даволаш жисмоний тарбияси фани буйича**

**Бакалавр:**

- даволаш жисмоний тарбиясининг мақсад ва вазифалари;
- даволаш жисмоний тарбиясининг таснифи *ҳақида тасаввурга эга булиши;*
- жисмоний машқларнинг даволовчи таъсирини;
- даволаш жисмоний тарбиясининг восита ва услубларини;
- даволаш жисмоний тарбиясида қулланиладиган жисмоний машқларга қуйиладиган талабларни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- турли касалликларда даволаш жисмоний машқларини мажмуасини тузиш;
- даволаш жисмоний тарбия машғулотларини утказишда шуғулланувчиларни назорат қилиш *куникмаларига эга булиши керак.*

**6.2.2.9. Спорт тиббиёти. Массаж фани буйича**

**Спорт тиббиёти буйича**

**Бакалавр:**

- спорт тиббиётининг мақсади ва вазифалари;
- саломатлик даражалари, касаллик, саломатлик *ҳақида тасаввурга эга булиши*;
- касалликни пайдо булиш сабабларини;
- касалликларда юзага келадиган узгаришларни;
- спортчилар организмида юзага келувчи зарарли таъсирлар ва уларнинг асоратларини бартараф этишни;
- тиббий анамнез ва соматоскопияни утказишни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- жисмоний ривожланишни текшириш усулларини бажариш;
- организм тизимларини клиник текшириш;
- тиббий синамаларини утказиш ва натижаларини баҳолаш;
- биринчи тиббий ёрдам курсатиш *куникмаларига эга булиши керак.*

**Массаж буйича**

**Бакалавр:**

- массажнинг ривожланиши;
- массажнинг таснифи *ҳақида тасаввурга эга булиши*;
- массаж қоидаларини;
- массажга қарши курсатмаларни;
- массаж усуллари ва унинг таъсирини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- массаж усулларини амалий бажариш;
- массаж аппаратларидан фойдалана олиш *куникмаларига эга булиши керак.*

**6.2.2.10. Экология фани буйича**

**Бакалавр:**

- табиат қонунларини англаш, уларга риоя қилиш: экологик билимлар туғрисида;
- экологик муҳит, экологик мувозанат;

O'ZSTANDART AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH ... MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

- табиат ресурслари, уларнинг тоифалари ва фойдаланиш истиқболлари *ҳақида тассавурга эга булиши;*

- атроф-муҳитни табиий ва антропоген омилларнинг салбий ва зарарли таъсиридан химоялаш воситалари ва усулларини;

- табиатни муҳофаза қилишни назарий асосларини, инсоннинг хужалик фаолиятини, жумладан сув хужалиги иншоотларининг атроф-муҳитга салбий таъсири, бу таъсирларни олдини олиш ёки бартараф қилиш чора-тадбирларини;

- атмосфера хавоси, сув хавзалари, тупроқни ифлосланишдан мухофаза қилиш чора тадбирлари, сувни тозалашнинг асосий методларини;

- табиатдан самарали фойдаланишнинг экологик тамойилларини табиатга зарар етказмайдиган технологиялар яратиш усулларини;

- ҳалқаро ва давлат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган экологик тадбирларни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- экологик инқирозлар ва уларни олдини олиш, худуднинг экологик ҳолатни баҳолаш ва уни соғломлаштириш чора-тадбирларини асослаш ва атроф-муҳитга масъулиятли муносабатда булиш *куникмасига эга булишлари керак*

**6.2.3. Умумкасбий фанлар буйича талаблар**

**6.2.3.1. Умумий психология фани буйича**

**Бакалавр:**

– психологиянинг вужудга келиши;
– психологиянинг предмети ва соҳалари;
– шахс тушунчаси;
– онг ва онгсизлик тушунчалари;
– эндопсихика ва экзопсихика *ҳақида тасаввурга эга булиши;*
– психик жараёнлар, жумладан, сезги, идрок, диққат, хотира, тафаккур, нутқ, хаёл туғрисида умумий тушунчаларни, турларини, хусусиятларини;
– психик ҳолатлар, хусусан, ҳиссиёт ва эмоционал ҳолатлар, юксак ҳислар, ирода туғрисида умумий тушунчани, уларнинг тузилишини ҳамда психофизиологик асосларини;
– психик хусусиятлар, хусусан, темперамент, характер, қобилиятлар, истеъдоднинг тузилишини, турларини, хусусиятларини;
– шахс фаолият туғрисида умумий тушунчани, унинг узига хослигини, интериоризациялаши ва экстериоризациялишини;
– узини узи англаш, комил инсон ва баркамол инсон тушунчаларини;
– шахс эҳтиёжини, уларнинг турлари ва ривожланишини;
– қизиқишларни, шахс установкаси ёки англанилмаган майлларини;
– уқув фаолияти мотивларини ҳамда мотив классификациясини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
– билиш жараёнларини узаро боғлиқлигини аниқлаш;
– шахс фазилатларини ажратиш;
– шахс хусусиятларини аниқлаш;
– шахс сифатларини фарқлаш;
– индивидуал-типологик фарқлар юзасидан мулоҳаза қилиш;
– психик ҳолатларни урганиш, тадқиқ этиш ва хулосалаш *куникмаларига эга булиши керак.*

**6.2.3.2. Психология тарихи фани буйича**

**Бакалавр:**

– психология фанлар тизими тузилиши, уларнинг ривожланиш истиқболи;
– умумий психологиянинг тизимлари, тамойиллари, механизмлари, категориялари ҳақида *ҳақида тасаввурга эга булиши;*
– психология назарияси ва методологиясига алоқадор тизимларни;
– психология назарияси ва методологиясига алоқадор категорияларни;

– психология назарияси ва методологиясига алоқадор механизмларни;

– психология назарияси ва методологиясига алоқадор қонуниятларни;

– психология назарияси ва методологиясига алоқадор асосий ҳолатларни;

– инсонларнинг иш қобилиятини ошириш ва функционал ҳолатини оптималлаштиришни ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

– психологик тадқиқотларни ташкил этиш, ўтказиш методлари ва унинг воситаларидан фойдалана олиш;

– турли хил ҳаётий вазиятларда шахсни урганишда умумий психологиянинг ҳар хил усулларини қуллаш;

– психологик, ижтимоий-этник ва ёш-педагогик тадқиқотлар методларини қуллаш;

– шахснинг билиш жараёнлари хусусиятлари, унинг шахслилик хусусиятларини шакллантириш воситаларини қуллаш ***куникмаларига эга булиши керак.***

**6.2.3.3. Бошқарув психологияси фани буйича**

**Бакалавр:**

– бошқарув илмининг назарий-тарихий асослари;

– шарқ мутафаккирларининг бошқарувчилик фаолиятига оид ижтимоий-психологик қарашлари ***ҳақида тасаввурга эга булиши;***

– бошқарув ва лидерликка оид назарияларни;

– бошқарув услублари ва суперлидерлик феноменини;

– маъмурий бошқарув самарадорлигини ошириш йулларини;

– карьеранинг турлари ва амалга ошириш босқичларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

– бошқарув органлари раҳбарлигига даъвогар (номзод)ларни касбий ва шахсий сифатларини диагностикалаш;

– карьерани танлаш, режалаштириш ва уни амалга ошириш;

– персонални бошқариш;

– раҳбар шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятларини профессионал талаблар даражасида урганиш ***куникмаларига эга булиши керак.***

**6.2.3.4. Ижтимоий-психологик тренинг фани буйича**

**Бакалавр:**

– тренинг фаолиятидаги асосий назарий методологик асослар;

– тренинг фаолияти учун зарур тамойиллар;

– тренинг ишини ташкил этишдаги методологик ёндашув;

– ҳар бир мижоз учун индивидуал ёндашув ***ҳақида тасаввурга эга булиши;***

– тренер учун асосий ёндошувни;

– тренинг машқларининг узига хослигини;

– тренинг йуналишларида узига хосликни;

– тренинг фаолиятида аҳамиятли булган усулларни;

– тренер фаолияти буйича таҳлил юритишни;

– тренинг методологияси буйича алоқаларни урнатишни;

– тренер фаолияти ва тренинг методлари буйича узаро алоқани йулга қуйишни;

– узининг тренинги учун сценарий тузишни ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

– шахснинг гуруҳий фаолиятдаги хусусиятларини диагностика қилиш;

– тренинг ёрдамида гуруҳий психотерапияни утказиш;

– тренинг шаклидаги гуруҳий коррекцияни амалга ошириш;

– тренинг фаолиятида гуруҳий диагностикалаш;

– тренерлик вазияти орқали индивидуал муаммосини таҳлил қилиш;

– тренинг сценарийсини адекватлигига гуруҳ муаммоларни тавсифлаш



O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH ... ILMIY TADQIQOT INSTITUTI ... ETISH FONDI ...

***куникмаларига эга булиши керак.***

**6.2.3.5. Этнопсихология фани буйича**

**Бакалавр:**

– этнопсихология фаннинг предмети, вазифалари ва аҳамияти;

– этнопсихологик тадқиқотларнинг ғарб ва шаркда урганилиши;

– миллий характер муаммоси;

– социализация ва инкультурация;

– миллий онг ва миллий узликни англаш;

– этнопсихологик хусусиятларни маданиятда намоён булиши ***ҳақида тасаввурга эга булиши;***

– этнос ва индивид уртасидаги узаро фарқни;

– этнопсихологиянинг структурасини ва этнопсихологик компонентларни;

– миллий урф-одат ва анъаналарнинг ижтимоий-психологик функцияларини;

– миллий туйғулар ва таъб (дид)ларни аниқлашни;

– этник аттитюди ва стериотипни қиёслашни ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

– этнопсихологик ҳусусиятларнинг шаклланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

– ташқи хатти-ҳаракатларни ички ҳаракатларга утиши ва шахсда этнопсихологик хусусиятларни шаклланишини тадқиқ этиш;

– миллий психология қиёфа ва миллий характернинг узаро муносабатини фарқлаш;

– шахснинг миллий ва умуминсоний характер хислатларини ажратиш;

– этнопсихологик тадқиқотлар утказиш ва турли этник гуруҳларга хос тадқиқот натижаларини тавсифлаш ***куникмаларига эга булиши керак.***

**6.2.3.6. Ёш ва педагогик психология фани буйича**

**Бакалавр:**

– онтогенез психологияси;

– жаҳон психологлари асарларида ёш даврлари муаммоси;

– психик ривожланишни турли хил назарий ёндашувлари;

– психик тараққиёт ва унинг омиллари;

– омилларнинг психик ривожланишга таъсир курсатиш механизмлари ва қонуниятлари ***ҳақида тасаввурга эга булиши;***

– ёндашувларни тушунтирувчи йирик таълимотларнинг умумий мазмуни;

– чақалоқлик, гудаклик, илк болалик даврининг психологик хусусиятларини;

– мактабгача ёш даврининг психологик хусусиятларини;

– кичик мактаб ёши, усмирлик, илк успиринлик. успиринлик даврининг психологик хусусиятларини;

– ёшлик, етуклик даврининг психологик хусусиятларини;

– кексайиш, кексалик ва узоқ умр курувчиларнинг психологик хусусиятларини;

– психик ривожланишда таълим-тарбия жараёнларининг ахамияти, уларнинг психологик механизми ҳақида ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

– онтогенезнинг турли босқичларида психик ривожланишни асосий хусусиятлари ҳақидаги билимлардан фойдаланиш;

– педагогик фаолиятнинг психологик асослари, унинг самарадорлигини оширишнинг психологик жиҳатларини билиш;

– таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва руёбга чиқаришда педагогик фаолиятнинг психологик таълимотига алоҳида эътибор қаратиш;

– психик ривожланишга таълим-тарбия жараёнларининг таъсир хусусиятларини прогноз қила олиш;

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

– таълим-тарбия жараённи шу асосида лойиҳалаштириш куникмаларини эгаллаш;

– шахс камолоти йулида таълим-тарбия ишларини туғри ташкил қилиш *куникмаларига эга булиши керак.*

**6.2.3.7. Меҳнат психологияси фани буйича**

**Бакалавр:**

– уйин фаолияти;

– уқиш (таълим) фаолияти;

– меҳнат фаолияти;

– шахс меҳнат фаолиятини тушунтиришнинг муҳим омиллари *ҳақида тасаввурга эга булиши;*

– меҳнат фаолияти психологиясининг асосий вазифаларини;

– меҳнат функцияларининг самарали амалга ошишини таъминловчи омилларни;

– меҳнат объекти тизимига, мақсадига, меҳнат восита/қуролларининг асосий белгиларига кура касб булимларини;

– қул меҳнатига асосланган касбларни;

– машина ва қул меҳнати касбларини;

– автоматлаштирилган ва автоматик тизимни қуллаш билан боғлиқ булган касбларни;
